

ТОШКЕНТ НАҚИЪАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Дил сўзи

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Исмаил ИБРАГИМОВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи:

Президентимиз "Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, маҳалла – ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгуси, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастрта тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижа қилиши шарт ва зарур", деган эди.

Маҳалла – бу сўзнинг луғавий маъносини кўпчилигимиз жуда яхши биламиз. Аммо, маҳалла ҳақида гап кетганда, биргина луғавий маъно билан тўхталиб бўлмайди. Бу жойда, қадимий урф-одатларимиз, ўзбекна анъаналаримиз мўжассам. Маҳалла – инсонийлик, оилалар бирдамлиги, фарзандлар тарбияси, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, умуман, жамиятга мос бўлган барча ижобий ҳислатларни тарбиялаб берадиган маскан.

Инсон қадрини маҳаллада улуғланади. Сунгги йилларда мамлакатимизда ислохотларнинг бош мезони ҳамда тараққиётнинг асл моҳияти бир мақсад – инсон қадрини улуғлаш ва мамун бўлиб яшаш керак.

Бугун одамларни рози қилиш – жамиятимиз улкан салоҳияти ва қўдрат касб этишини таъминлайди.

АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ САОДАТИ

Озода ПАРПИБОЕВА,
вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:

Ўтаётган йиллар юртимиз, халқимиз ҳаётида ёрқин воқеаларга бой бўлди. Амалга оширилаётган ислохотларнинг натижасини одамлар ўз турмушларида кўриб, ҳис қилишмоқда. Худудлардаги улкан бунёдкорликлар, обод манзиллар ҳаётига янги зеб бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Инсон қадрини улуғлаш" ширин остида олиб борилаётган эзгу амаллар умумийлик мақсад ва ҳаракатга айланди. Мураккаб пандемия шароитига қарамай, юртимиз иқтисоди-

Бу – инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Чунки, бахтли одамларгина дунёни янгилашга, ўзгаришга қодир. Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда жўшқин ҳамда жадал ислохотлар даврига кирди. Бу ислохотларнинг энг муҳимларидан бири маҳаллабай тизимнинг ташкил қилинганлигидир.

Вилоятдаги 1 минг 18 та маҳалла фуқаролар йиғини ходимларнинг саъй-ҳаракатлари аҳолининг ички имкониятларини кўпайтиришга, шахс сифатидаги камолотини юксалтиришга, унинг кадр-қимматини, ҳурмати жойига қўйишга қаратилгани билан долзарб ва аҳамиятлидир.

Шу маънода муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган кенг ислохотлар, ҳаётий дастурлар ижроси манتيқи ҳам инсонларнинг чин маънода бахтли ва шодумон умр кечиришига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ўз-ўзидан маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда тизим ходимларига катта масъулият ва ишонч юқлайди. Ўтган йили маҳаллалардаги муаммолар, камчиликлар бир мунча бартараф этилди. Президентимизнинг Янги йил муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида жорий йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб ном берилгани юртимизда олиб борилаётган хайри ишларнинг нафақат давомийлигини, балки янада кенг қўламли ва самарали бўлишини таъминлаши шубҳасиз.

Бунёдкорлик

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида иккита мактабгача таълим ташкилоти ва битта мактаб биноси бутунлай янгидан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Жумладан, "Қорасув" маҳалласида жойлашган 6-МТТ 1969 йилда қурилган бўлиб, 330 ўринга мўлжалланган эди. "Great builder service station" МЧЖ томонидан олиб борилган мукамал таъмирлаш ишларидан сўнг боғча мутлақо ўзгача кўриниш касб этди.



Шунингдек, Т. Г. Хван номи маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 8-боғчанинг қурилгани ҳам анча йиллар бўлгани сабабли, пугурдан кетган эди. "Steel artu construction" МЧЖ қайта қурилган ушбу муассаса энди яна узоқ йиллар ўз бағрида болаларни улғайтира олади.

Этиборлиси, мактабгача таълим ташкилотларида талаб ва нормалар асосида тарбияланувчиларнинг ёшига мослаб жиҳозланган гуруҳлар, ёзи айвонча, спорт ва ўйин майдончалари ташкил этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ҳар бир хонага ўрнатилган кузатув камералари ота-оналарга уйдан туриб таълим жараёнини кузатиш имконини беради.

– Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфида ҳозирги кунда

жами 75 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд, – дейди бўлим мудури Г. Баҳодирова. – Жорий йилда бир нечта янги боғчалар очилиши ҳисобига 8 минг



202 нафар бола таълимга жалб қилинди ва қамров кўрсаткичи 75 фоизга етказилди. Шунингдек, 2022 йилда "Қўр-

Янги биноларда ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР



сои", "Иттифоқ", "Султонравот" маҳаллаларида 420 ўринли давлат МТТ, "Жумабозор" маҳалласида давлат хусусий шерикчилик асосида "Чумчуқар"да 80 ўринли хусусий, 30 та оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Мурувват

ҚОРБОБОГА МАКТУБ ЁЗГАН БОЛАЛАР

Нурафшон шаҳри марказидаги янги боғ ҳудудида ташкил этилган катта арча атрофида "Қорбобого хат" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

Тошкент вилояти ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Озода Парпиева ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмағида уюштирилган тадбирда Қорбобого хат ёзган ўқувчилар ҳамда ижтимоий Ҳимояга муҳтож болалар иштирок этди.

– Урқоқларим Қорбобого хат ёзиб, совға олишганида роса ҳавасим келганди, – дейди Жаҳонгир Қўтлимуродов. – Янги йил байрами ўтиб кетганига хат ёзишга кеч қолдим, деб ўйлагандим. Мен ҳам совға олдим ва роса хурсанд бўлдим. Тадбирга ойижоним билан бирга келдик. 2022 йилда барча ўрқоқларим беш баҳога ўқишларини тилайман.

Тадбирда 200 нафарга яқин ўқил-қизларга мактубда ёзилган совғалар улашилди.



Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Йул-транспорт рининг олдини олишда жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик" мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.



Ҳаракат хавфсизлиги: БУГУННИНГ МУҲИМ ЭҲТИЁЖИ

Вилоят ИИББ Йул ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда асосий этибор жойлардаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг белгиланган қо-

идаларга риоя қилиши борасидаги саъй-ҳаракатларнинг натижаларига қаратилди. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва тизимдаги тезкор хабарларни кенг жамоатчиликка етказиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Янгийўл туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ҳар бир нуруний – беш нафар ёшга мураббий" тамойили асосида ёшларга нурунийлар бириктирилиб, ишлар яқка тартибда ташкил этилмоқда.

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида 4 нафар "Ёшлар дафтари" рўйхатида киритилган, айна вақтда иш билан банд бўлмаган ёшлар ва хотин-қизларга тикув машина жамланмалари топширилди.

Оққўрғон тумани машина ва трактор паркида туман ҳокимининг ўринбосари К. Шинтемиров ҳамда масъуллар иштирокида юқори унумли ҳайдов техникаларининг техник ҳолати, культиваторлар ишчи органларининг бутлиги кўздан кечирилди ва зарур тавсиялар берилди.

Чирчиқ шаҳридаги Ш. Рашидов номи, "Янги аср" кўчалари ҳамда "Чирчиқ деҳқон бозори"нинг ички худудларида ноқонуний савдолар, нарх-наво кўтарилишининг олдини олиш бўйича махсус назорат гуруҳи иш олиб бормоқда.

Пискент туманидаги Фортена қишлоғи аҳолисининг мурожаатларидан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги ва прокуратура томонидан сув қувурлари ҳамда сув миносаси (башня) олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Айна вақтда "Тошкент сув таъминоти" корхонаси туман филиали томонидан 1 минг 300 метр масофада қувурлар тортилиб, яна 800 метр қисмини қуриш ишлари бажарилмоқда. Тармоқ ишга тушгач, 600 нафарга яқин аҳоли хонадонига сув киради.

Имконият

Маълумки, иссиқхоналар кўпайгани туфайли бозорларимизда йил бўйи кўнглингиз тусаган мева ва сабзавотларни топиш мумкин. Шу сабабли ҳам вилоятимизда иссиқхоналарга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Замонавий усулда қурилаётган иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозорларимиз эҳтиёжларини қоплаш билан бирга, чет элга ҳам экспорт қилиниб, аҳоли фаровонлиги ошишини таъминламоқда.



ҚИШ ЧИЛЛАСИДА ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Тошкент туманида яқинда иш бошлаган "Мухаммад ишонч агро" масъулияти чекланган жамиятига қарашли қарийб икки гектар майдонни эгаллаган замонавий иссиқхонага қишнинг димоғига баҳор нафаси урилади. Бу ерда Туркиянинг "Segasap sera" фирмаси технологияси асосида помидор, бақлажон, бўлғор

қалампири ва бошқа турдаги сабзавот кўчатлари етиштирилмоқда. Тайёр кўчатлар "Furlaan" бренди остида етказиб берилди. 20 дан ортиқ чет эл агрофирмалари билан шартномалар тузилган бўлиб, улاردан сабзавот уруғлари, минерал ўғит ва дори-лар келтирилади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Дарвоқе

Бу савол ҳаммани қизиқтириши турган гап. Пандемия бошланганига икки йилдан ошди. Дунё бўйича касалликка чаплинганлар сони 277 миллионга яқинлашиб, 5 миллион 386 минг киши пандемия қурбонига айланган. Айниқса, АҚШ, Ҳиндистон ва Бразилияда пандемия ҳақиқий офатга айланган. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ҳаммада 20 миллион киши вирусга дуч келди.

Жаҳоннинг муҳим воқеалари бўйича статистик маълумот тўплашга ихтисослашган "Worldometer" портали маълум қилишча, ўлим даражаси миллионга 691 кишидан тўри келган.

Қолаверса, ўтган икки йил мобайнида коронавируснинг мутацияга учраган бошқа вариантлари ҳам тарқалди: хинда, бразилияча, африкача... Охири тарқалгани, ҳозирча, "омикрон" штамми. Экспертлар бу турга "хавфли эмас, шунчаки, хавотир уйғотувчи" дея таъриф бермоқда. Янги вариантнинг тарқалиш шиддати аввалгиларидан бир неча

Ван Керкховенинг таъкидлашча, ЖССТ вируснинг мутациялашувда давом этиши, вазиятга мослашиши ва вақти келиб масъумий кўриниш олишига эришиш учун саъй-ҳаракатни давом эттиради.

Яна бир ЖССТ эксперти, фавкулдада вазиятлар бўйича ташкилот дастурлари директори Майкл Райаннинг фикри ҳам кишини ҳурсанд қилади, деб бўлмади. Унинг таъкидлашча, инсоният пандемия охирига яқинлашгани йўқ, бироқ вирусни энгил воситаларига эга.

"Фикримча, биз пандемия адоғида эмасмиз, ҳатто, манзил-

ПАНДЕМИЯ... ДАВОМ ЭТАДИМИ?



баробар юқорилиги ҳисобга олинмаган бўлса, хавотир сўзи айни ўрнида ишлатилаётгани шубҳа қилмас ҳам бўлади. Ишқилиб, омикрон штамми сўнггиси бўлсин, инсоният коронавирус дардидан, пандемиядан бутунлай халос бўлсин. Ҳозир бутун башариёт дилида шу умид.

га яқинлашганимиз ҳам бўлади. Шунга қарамай, ҳозир илм-фан тўғрисида зўр воситаларга эгамиз. Фақат кенг камровли, мусомикрон штамми сўнггиси бўлсин, инсоният коронавирус дардидан, пандемиядан бутунлай халос бўлсин. Ҳозир бутун башариёт дилида шу умид.

Хўш, бу борада экспертлар нима дейди?

— 2022 йил COVID-19 пандемияси яқун топадиган йил бўлади, — дейди Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус.

Ташкилот раҳбари ушбу фарзани ҳаводан олаётгани йўқ, албатта. У ўз фикрини шундай изоҳлайди: "2 йил ўтди. Уйлашимча, вирус ҳақида батафсил маълумотга эгамиз ва касалликка қарши курашиш учун бизда зўр восита бор. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиман, пандемиядан 2022 йил кутулишимиз керак. Муҳими, қўлимиздаги самарали воситалар, жумладан, эмлаш ва бошқа чораларни вақтида қўллаш, вақтинан тақсимлашда кузатилаётган тенгсизликка барҳам бериш лозим".

Ташкилот раҳбарларидан яна бири, фавкулдада касалликлар бўлими бўйича техник гуруҳ бошлиғи Мария Ван Керкховенинг фикри ҳам ўзига хос.

— Шубҳасиз, вирус эндемик ҳолатга ўтади, аммо бу ҳали мураккаб хавфсиз, дегани эмас, — дейди эксперт. — Эндемик ҳолат, одатда, касалликнинг тарқалиш даражаси жуда пастлигини билдиради. Географик чекланган ҳудудда кузатилади, яъни ҳимоя қилинмаган аҳоли ўртасида тарқалади. Уйлашимча, биз шунга қараб кетаямиз. Афсуски, ҳали пандемиянинг ярмига ҳам етиб келмадик. Дунёнинг катта қисми ҳануз пандемия шароитида экан, эндемик вазиятга ўта олмаймиз. Хуллас, бизни узун йўл кутмоқда.

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг Россиядаги вакили Мелица Вуйнович эса омикрон штамми "тирик вакцина" ролини бажариши мумкинлигини таъкидламоқда. Унинг фикрича, "тирик вакцина" ёрдамида пандемияга барҳам берилади. Шунингдек, Вуйнович вирус ҳеч қачон йўқолмайди, грипга ўхшаб, яшаб қолади, инсоният эса бу хасталикка қарши курашаверади, деган фикрда.

Энди коронавируснинг инсонларни хавотирга солаётган, хавфсиз дейилсада, жуда тез тарқалётган омикрон штамми ҳақида икки оғиз.

Ҳозирча янги штамм дунёнинг 106 мамлакатидан аниқланди. Бу ҳақда ЖССТнинг ҳафталик эпидемиологик ҳисоботида келтирилган. Ташкилотдагилар таъкидича, «хавотир уйғотётган омикрон штамми билан боғлиқ умумий хавф юқорилигича қолмоқда».

Хулоса қилиб айтганда, сайёра-мизда коронавируснинг "дельта" варианты кенг тарқалганига қарамай, омикрон вариантнинг жадал суръатда тарқалиши билан боғлиқ "устуңлиги" яққол кузатишмоқда. Энг ташвишли томони шундаки, омикрон вирусни юқтирганларда касаллик аломати қандай кечаётгани ҳақида ҳали кўп нарса маълум эмас.

Фақат вакцина олиш, ниқоб тақиш, одамлар кўп тўпланадиган жойга бормаслик ҳалиям корона-вирустан ҳимояланишнинг асосий шартли бўлиб қолаётганини унутмайлик.

УЗА

Тошкент вилоятида балиқчилик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

га йиллик ҳисобда 5,7 кг. дан балиқ тўғри келаётганини аниқлатади.

Вилоятда жами 3 та сув омбори мавжуд бўлиб, шундан, "Чорвоқ"да 160 та ва "Тошкент"да 300 та ҳамда "Оҳангарон"да 10 та — жами 470 та

"ТСТ Fish Cluster" МЧЖ балиқчилик кластери томонидан умумий қиймати 100 млрд. сўм бўлган лойиҳага кўра, 280 гектар майдонда қуввати 2 600 тонна балиқ етиштиришга мўлжалланган интенсив сув ҳавзалари барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, кластер томони-

лар 2 минг гектардан ортиқ майдондаги сув ҳавзаларига ўрнаштиришга мўлжалланган. Бунинг натижасида кўшимча 3,2 минг тонна балиқ етиштириш қувватлари барпо этилади.

2. Янгийўл туманидаги "Хоразм балиқ саноат агро" МЧЖ томонидан 2021 йилда 260 гектар сувни майдондан 800 тонна балиқ етиштирилган бўлса, 2022 йил якуни билан интенсив технологияларни қўллаш орқали ушбу майдонларда жами 2 минг тонна балиқ тайёрланиши режалаштирилмоқда.

3. Аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш ишлари янада кенгайтирилади. Хусусан, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида, 2022 йилда вилоятнинг 15 та туманида 1 минг 200 та аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилади.

Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш учун балиқчилик кластерлари ёрдамида хонадонлар билан кооперациялар ташкил этилади.

4. Вилоятда балиқчиликни ривожлантириш учун қиймати 50 млрд. сўмлик 20 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида кўшимча 650 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилади.

5. 2022 йил якуни билан вилоят аҳолиси эҳтиёжи учун талаб этилаётган 21,2 минг тонна балиқ маҳсулотларини тайёрлаш 95 фоизга, аниқроқ айтганда, 20,3 минг тоннага етиши кўзда тутилмоқда.

БАЛИҚЧИЛИК: ҲАВЗАДАГИ "ХАЗИНА"



Бугунги кунда вилоятда 460 та балиқчилик субъекти фаолият кўрсатиб, шундан 92 таси масъулияти чекланган жамият шаклида, 363 таси фермер ва 5 таси кластер ҳўжаликлари кўринишида-дир.

Ушбу субъектларга жами 12,3 минг гектар майдон (шундан, 3,6 минг гектар табиий ва 8,7 минг гектар сунъий майдон) ажратилган бўлиб, ўтган йилнинг 1 декабрь ҳолатига 17 минг тонна балиқ етиштирилган.

Бу вилоят аҳолисининг жон боши-

Вилоятда балиқчиликни ривожлантириш дастурига асосан, қиймати 123 млрд. сўмлик 23 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида, кўшимча 547 тонна балиқ етиштирилади.

садок мосламалари ўрнатилиб, ўтган йилда уларда 1 400 тонна балиқ етиштирилган.

Мисол учун, "Чорвоқ" ва "Тошкент" сув омборларидаги "Голден Фиш" МЧЖ 460 та садок орқали шу усулда 1 350 тонна балиқ етиштирмоқда.

Шунингдек, Қуйи Чирчиқ туманида

дан 1,5 млн. дона личинка, 750 минг дона чавоқ тайёрлашга мўлжалланган инкубация цехи, 16 минг тонна ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган пресстранулятор ўрнатилмоқда.

Мутасаддиларга кўра, шунингдек, куйидаги лойиҳалар рўёби бўйича фаол иш олиб борилмоқда:

1. Вилоятда 4,2 мингга аэратор-

Биометрик паспортни ДХМдан олиш мумкин

Кулайлик



Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан янги йилдан Давлат хизматлари марказларида ички ишлар бўлимлари билан бир вақтда Ўзбекистон фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортни расмийлаштириш ва бериш бошланди.

Сўнги йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда. Бу эса аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконини бермоқда. Ҳозир ДХМлар орқали 160 дан ортиқ хизматлар кўрсатилаётган бўлса, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 200 га

яқин хизматлардан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Нурафшон, Чирчиқ ва Оҳангарон шаҳар Давлат хизматлари марказларида биометрик паспорт ва шахсни тасдиқловчи ID-карта бериш жорий қилинди. Зангиота туманида эса ҳозирча ID-карта бериш йўлга қўйилди. 2022 йил якунига қадар босқичма-босқич барча Давлат хизматлари марказларида ушбу имкониятни яратиш режалаштирилган.

Эстатиб ўтамиз, хизматлар экстерриториаллик тамойили асосида (рўйхатда турган жойингиздан қатъи назар) тақдим этилади. Бунда биометрик паспорт бериш учун тўлов миқдори БҲМнинг 1 бараварига тенг, яъни, айни дамда 270 минг сўм (аввал БҲМнинг 1,2 баравари бўлган).

Пуллар ЭГАЛАРИГА ҚАЙТДИ

Жараён

Вилоят давлат солиқ бошқармасига 2021 йил мобайнида қўшилган қиймат солиғини қайтариш бўйича 1 минг 619 та корхонадан 1 триллион 527,1 миллиард сўмлик аризалар келиб тушган. Шундан 454 та корхонанинг ҳисоб рақамига 671 миллиард сўм маблағ қайтариб берилган.

Шунингдек, 1 минг 475 нафар ҚҚС солиқ тўловчиларига бевосита ёрдам бериб, уларнинг ҳисоботларини тўғрилашга кўмаклашиши натижасида кўшимча солиқ базаси яратилиб, солиқ тўловчилар томонидан бюджетга 330 миллион сўмдан ортиқ соликлар тўлаб берилган.

2021 йилда вилоят бўйича 3 минг 180 та бўш турган объектлар аниқланган. Уларга нисбатан 139,5 миллиард сўмлик таъсирчан солиқ механизмлари қўлланилган. Жойлардаги 1 минг 557 та объектнинг фаолият тикланиши тўғрисида 4 минг 382 нафар янги иш ўрнатири яратилган. Натижада бюджетга кўшимча равишда 53,2 миллиард сўмлик маблағ келиб тушган.



Ҳозир вилоятда 22 минг 593 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объекти мавжуд. Эътиборлиси, уларнинг барчасида онлайн назорат касса машиналари ўрнатилган. Бу ўз-ўзидан ушбу корхоналарнинг шаффоф ва очиқ фаолият кўрсатаётганини аниқлатади. Бундан ташқари, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилувчи савдо ва хизмат кўрсатиш объектининг барчасида онлайн назорат касса машиналари ўрнатилди.

Эшитмадим, деманглар!

Эндиликда кўп қаватли уйлар олдидаги бўш турган ёрлар ободонлаштириш шартли билан аҳолига берилади.

Ўзбекистон Президентининг тегишли қарорига мувофиқ, 2022 йил 1 мартдан бошлаб бино ва иншоотларга туташ бўлган ер участкалари қўйидаги шарт ва мажбуриятлар билан уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилади: *ер участкаларини обод ҳолда сақлаш; дарaxтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни парвариш қилиш ва сугориш; йилги иштирош-тозалаш ишларини амалга ошириш ва чиқинди кутиларини ўрнатиш; болалар майдончалари, ўтириш жойлари (скамейкалар), тунжа ёритиш тизимини ўрнатиш, таъмирлаш ва сақлаш; аҳоли учун пиёда йўлакларини барпо этиш, таъмирлаш ва лозим даражада сақлаш.*

Доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериладиган ер участкаларида бино, иншоот, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ҳамда энгил конструкцияли объектларни ўрнатиш ва қуриш тақиқланади.

Эълон

Урта Чирчиқ туманидаги 39-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Миразобоев Асагилло Хаким ўғли номига берилган UM № 1049270 рақамли шаходатнома йўқолганиги сабабли **БЕКРО ҚИЛИНАДИ.**

Қон босими юқори бўлганлар ўқимасин!

Бу воқеани ёзиш БУЧУН ДАСТЛАБ САРЛАВҲА ТАНЛАДИМ. Аммо сарлавҳани ёздиму қон босимим ошиб кетгандай бўлди. Ҳар эҳтиомолга қарши аста ўрнимдан туриб, аччиққина лимонли кўк чой дамлаб олдим.

"КАДАСТР" ... "COVID" дан ХАВФЛИ(МИ?)

Аслида воқеа мана бундай бошланган-ди:

Отам раҳматли ҳужжатларга жуда жиддий қарар эди. Яшаб турган ҳовлимизга чизмаларни чиздириб, ҳеч бир муаммога ўрин қолдирмаганиди. 2019 йилнинг 15 май куни эди. Дарвоза аста тақиллади. Чиқдим. Икки ёш йигит салом-алиқдан сўнг кадастр идорасидан келишганини айтиб, уйга киришга рухсат сўрашди ва бирдан ишни бошлаб боришди. Метр олиб ҳар бир қарич ерни, хоналарни ўлчай кетишди.

Шунда: "Йигитлар, бир дақиқа тўхтанг" дедим-да, ичкарига кириб, уй чизмаларини олиб чиқдим.

Улар: "Дода, бу ҳужжати отворсангиз ҳам бўлади", дейишди.

"Илгари шу қилаётган ишларингиз план чизиш дейиларди. Шунга кўшимча қилсанлар бўлди-ку", дедим. Йигитлар менга парво ҳам қилмай ишда давом этишди.

"Пул пулни қақиради" деган гапга ишонасизми? Бўлмаган сафсата. Аммо, қоғоз қоғозни қақариши эса бор гап экан. Нимага дейсизми? Унда эшитинг. Ер берилганлиги тўғрисидаги бир варақ қоғоз билан

Зангиота тумани кадастр идорасига бордим. Кадастрчи архивдан шу ҳақда маълумотнома олиб келишимни айтиди. Қишлоқдан чиқиб шаҳар оралаб архив қайдасан, деб йўлга тушдим. Ҳужжатни олиб яна кадастрга келдим. Энди кадастрчи маҳалла идорасидан далолатнома олиб келишимни айтиди. Маҳалла оқсоқолдан далолатномани олдим-у, яна кадастрчига учиб бордим.

"Энди, отахон, — деди у, — хабарингиз бор, сизлар яшаётган Зангиота тумани Сирғали туманига ўтди. Ўн кун кеч қолдингиз. Биз кадастр қилолмаймиз".

"Маслаҳат бер, мен қаёққа бораё, қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа қатнаб, тинкам қурдику", дедим.

Кадастрчи: "Ягона дарчага бориб, ҳужжатларни кўрсатинг, балким ишингиз ўхшаб қолар", деди. Бир зум ўтмай ягона дарчада пайдо бўлдим. У ердигилар ҳужжатларни кўриб, "Сирғали кадастрга борасиз, биз буни қабул қилолмаймиз", дейишди. Сирғали кадастрга бордим. Бир йигит саргайиб кетган қарорга кўз ташлади-ю, қўлини бир нима тишлаб олгандай сакраб менга зардалироқ қараб: "Вой,

отахон бу колхозку, умуман кадастр қилиб бўлмайдми", деб қайтариб берди ва судга муурожаат қилишимни айтиди.

Биргина қарор ҳужжати идорамандора юравериб, бир папкага сийма қолди. Қоғоз қоғозни қақаришига ана шунда ишондим.

Хуллас, судга ҳам келдим. Судья қизчанинг савол-жавоби кадастрчикидан ҳам ўтиб тушди. Қизча қоғозларни кўздан кечиргач, менга қараб: "Онанинг номига қарор чиққан экан. Уларнинг паспортдан нухса керак", деди. "Кечирасиз, онам Аллоҳга омонатларини топишганларига бир йил бўлди" десам. "Унда ўлимларни ҳақидаги гувоҳноманинг асл нухсасини олиб келасиз. Шундан сўн ер кимга тегишлилиги ҳақида судга даво аризаси киритамиз", деди.

Шунда: "Кечирасиз, қарор билан яхши танишмадингиз чоғи. Қарорда онам ерни совға тариқасида менинг номимга расмийлаштириб берган. Зангиота тумани кадастри Сирғалига борасиз деди. Улар мени сизга юборишди", дедим. Қизча ўзидан урилиб, ундай бўлса Зангиота кадастрга бориб, кадастр чизмасини

Сирғали туманига ўтганлиги сабабли ҳужжатларни қабул қилмагани ҳақида ёзма баённома олиб келишимни айтиди...

Ташқарига базўр чиқдим. Атрофдаги бинолар, йўлдаги машиналар, дарaxтлар, одамлар, еру кўк чирпирак бўлиб айланиб, бошимга қулаётгандек эди, гўё. Аранг темир панжарани ушлаб қолдим. Бир йигит, кузатиб турган экан чоғи, ёнимга келиб елкамдан суяб: "Отахон, яхшимисиз, нима ёрдам керак", деганини базўр эшитдим. У сув қуйиб узатди. Минг бир хаёл билан келаётиб, таниш аяхон билан учрашиб қолдим. Унга бор дардимни тўкиб солмоқчи бўлдим. У мени тушунди чоғи, гапимни бўлди: "Ўзингни қийнабсан-да. Шундоқ кўшинингга айтсанг бўлди эди. Ишинг ҳал бўларди-қўярди", деди. "Ахир, унинг ҳеч қандай маълумоти бўлмаса, кадастрдан беҳабар бўлса" дедим. Шунда аяхон кўлингизни кўлингизга бўлади" деди.

Уйга кирдим-у, ўзимни тўшакага отдим. Келиним дарҳол қон босимимни ўлчади. Бир юз тўқсон. Билмакдан битта, ёнбошдан иккита игна санчди. Тил тагига пахтага шимдириб қандайдир аччиқ томчи ташлади. Кўп ўтмай дунё кўзимга гўзал бўлиб кўриниб кетди.

Уйлаб қолдим. Олимлар ер юзини титратган, одамлар ҳаётига хавф солган, иқтисодни издан чиқарган, давлатлар газнасини танг ҳолга олиб келган "COVID"га даво топишди. Кадастрга қачон даво топилар экан, билолмадим.

Эй одамлар, эҳтиёт бўлинг, остонангизда КАДАСТРЧИ!
Шу саргузаштларни бошидан ўтказган Аспор СУЛАЙМОН ЁЗДИ.

СПОРТ Янгиликлари



Анзур Исмоилов – АГМКда

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг янги мавсумида жиддий мақсадларни қўзғабган Олмалиқнинг АГМК жамоаси таркибини кучайтиришда давом этмоқда.

Клуб матбуот хизматининг хабар беришича, бир неча йиллардан буён Тошкентнинг "Пахтакор" шарафини ҳимоя қилиб келаётган, марказий ҳимоя ампуласида Ўзбекистоннинг энг кучли футболчиларидан бири Анзур Исмоилов янги мавсумни олмалиқликлар сафида бошлади.



рафини ҳимоя қилиб келмоқда. Аввалроқ, "кончилар" "Бунёдкор" футболчиси Хуршид Ғиёсовнинг трансферини эълон қилган эди.

Давлат Бобонов тақдирланди

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) 2021 йилни рейтинг пешқадами сифатида яқунлаган 14 нафар дзюдочига мукофот тариқасида 10 000 АҚШ долларидан тақдим этди.

IJF шу йўл билан 14 та ваэн тоифасида Олимпиада йилини биринчи ўринда яқунлаган дзюдочиларни тақдирлашга қарор қилди. Ун минг доллар олганлар орасида Токио Олимпиадасининг бронза медали совриндори Давлат Бобонов ҳам бор.



рейтингда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Маълумот учун, ҳамюртимиз -90 кг. ваэн тоифаси

Спорт соҳасига қанча маблағ ажратилди?

2022 йилда спорт соҳасида давлат бюджетидан ажратиладиган сумма миқдори очикланди.

"2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Туризм ва спорт вазирлигига 1 триллион 715 миллиард 25 миллион сўм пул ажратилган.



тасига 30 миллиард 869 миллион сўм маблағ тақсимланган.

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Маълум қилинишича, бу суммадан Ўзбекистон футбол ассоциациясига 6,2 миллиард, Миллий олимпия қўмитасига 135 миллиард, Миллий паралимпия қўми-

БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ – ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ



Қишки таътил қандай ўтмоқда?

А йни кунларда мактаб ўқувчилари қишки таътилда. Таҳлиллар ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг аксарини бекорчи ёшлар содир этаётганини кўрсатмоқда. Шу боис, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу вазифа ота-оналар билан бирга устоз-мураббийларнинг зиммасида.

Хўш, вилоят халқ таълими тизимида фаолият юритаётган масъуллар таътил кунларида болалар вақтларини фойдали ва мазмунли ўтказишлари учун нималар қилишмоқда?

– Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўқувчилар таътилни мазмунли ўтказишлари учун турли кўргазмалар, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари ташкил этилмоқда. – дейди вилоят Халқ таълими бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Дилафрўз Шукурова. – Шу билан бирга мактаблардаги тўғараклар фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Айниқса, "Баркамол авлод" болалар мактаблари янада гавжумлашган. Шунингдек, вилоятдаги барча "Баркамол авлод" болалар мактабларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилган. Мазкур кўргазмалар 10 январга қадар мактабларда, вилоят марказларидаги сайилгоҳларда бўлиб ўтади. Кўргазмада болалар ўзлари қўл меҳнати билан

яратган маҳсулотларини сотишлари ҳам мумкин.

– Вилоятимизда фаолият юритаётган 22 та "Баркамол авлод" болалар мактаблари ўқувчилари ўртасида "Қувончим, мақсадим қишки таътилим" шiori остидаги ишлар режалаштириб олинди. – дейди вилоят "Баркамол авлод" болалар мактаби директори Убайдулла Парпиев. – 6 та йўналиш бўйича қизиқарли кўрик-танловлар, мусобақалар, саёҳатлар ўтказилмоқда. Жумладан, маданият ва санъат йўналишидаги тўғаракларга уч мингдан, техник конструктор ва моделлаштириш йўналишида икки ярим мингдан, жисмоний тарбия ва спорт йўналишига минг, хунарандчилик ва қўл меҳнати йўналишида беш минг, хорижий тилларга уч минг ҳамда ички туризмни ривожлантириш мақсадида маҳаллий музей ва боғларга етти мингдан зиёд ўқувчиларни қамраб олиш режалаштирилган. Шунингдек, таътил вақтида ногирон ва кам таъминланган ўқувчиларни янада қўллаб-қувватлаш

мақсадида "Биргаликда меҳр улашайлик" мавзусида челленжлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, 5 январдан бошлаб, умумтаълим мактабларининг 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг турман босқичлари бошланди.

Дарвоқе, 6 январдан 10 январга қадар, вилоят халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган маънавий-маърифий ишларга масъул ходимлар учун Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўқув-семинар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, вилоятда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги "Халқ таълими тизимида 2022 йилнинг 15 кунлигида белгиланган вазибаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси"нинг ижросини таъминлаш мақсадида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташкил марказида мактаб психологлари учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди.

Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

Рассом ва табиат

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинадиган тасвирий санъатнинг графика,

рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик жанрларида ижодий ишлардан ташкил топган "Рассом ва табиат" XXXVI – Республика кўргазмаси очилди.

Кўргазмадан ўрин олган 70 дан ортик ижод намуналарида (уларнинг 50 дан ортки 2021 йилда яратилган) юртимизнинг турли ҳудудларидаги йил фасллари, кеча ва кундузнинг кўринишлари, заминимиз неъматлари, турмуш тарзимизнинг айрим кўринишлари акс этган. Шунингдек, экспозицияда Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари тасвирланган "Паркент, Кумушкон", "Сўқоқ. Кун қайтиши", "Сўқоқ. Эски тераклар", "Бурчмулланинг қишки йўллари", "Манзара. Ҳазилкент. Баҳор",

"Байтқўрғон", "Чорвоқ баҳори" каби ижод намуналарига кенг ўрин берилган. Бу асарлар томошабинни завқлантиради, табиатни қадрлашга ундайди. Кўргазма 15 январгача давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Кўргазма



ШАМОЛ ВА ЭРКАКЛАР



– Нега шамол эсади? – Дарахлар учи қимирлагани учун. – Эркаклар нега хиёнат қилади? – Аёллар шубҳалангани учун.

ИМОДКОР

– Мен катта ёзувчи бўлмоқчиман! – деди у хотинига, фарзандларига. – Ижод қилаётганимда халал берманглар! У туну кун ижод қилди. Унга кўзларини мўлтиратиб тиккан қизини ҳам, юрак ютиб бўйинига осилолмаган ўғлини ҳам кўрмади. Жуфтига бағишланган изхорларини китобига битди. Фарзандларига айта олмаган ширин сўзларини китобига битди. Ойласига кўрсатолмаган гамхўрликни китобда исботлади! У танилди. Унинг шоҳ асарлари минглаб нусхаларда чоп этилди. У шон-шухратга бурканди.

Дунёнинг энг кичик ҳикоялари туркумидан

Китоб жавонингизга

Зарифа Эшмирзаеванинг "Шош ва Илоқ йўлларида" китобини қўлига олиб зўрақлаган одам муаллифнинг шахсиятига қўйил қолади. Китобда бир ишни охирига муваффақиятли етказиш учун талаб қилинадиган саботчидамлик, ўз юмушига борини бериб ишлаш матонати, энг асосийси, туғилган тупроғига фарзандлик меҳр-муҳаббатини яққол ҳис қилади. "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси, халқаро "Олтин мерос" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Зарифа Араббоевна умр бўйи она замин шуқухини улуғлаш, асрларни ҳоритган тупроқ қадида пинҳон сақланиб келаётган мозий жавоҳирларини излаш, кашф этиш, халққа маълум қилиш, уларнинг сир-асрорларини тадқиқ этиш ва илмий жамоатчиликка етказиш билан шуғулланди. Шу йўналишда юзлаб мақолалар ёзди, ўнлаб китоблар нашр эттирди. "Шош ва Илоқ йўлларида" китоби эса ҳаммасининг қаймоғи, дурдонаси бўлди.



адо этганлар. Ана шу меросни тадқиқ қилишда қирқ йилдан кўпроқ умрини, куч-қувватини сарфлаган Зарифа Эшмирзаева кўрган-кечирганларини ушбу китобда жамлаган. Асар шуни билан ҳам ўзгача аҳамиятга эга. У ўзбек ва рус тилларида нашр этилди ва китоб жавонларидан жой олиб улгурди.

Китобнинг теран мазмунини тасаввур қилишда унинг мундарижасини бир кур қўздан кечириш кифоя қилади: "Илоқнинг бебаҳо хазинаси", "Қанқа – мангуликка даҳлдор шаҳар", "Шохруҳиянинг махфий сирлари", "Мажруҳбува абадияти", "Арашанбобо тилсимлари", "Шохжувор афсонаси", "Ойтепанинг сўнмас ёғдуси", "Суғурнинг бизга айтар дил сўзи" ва ҳоказо. Сарлаҳалариёқ жозибадор бўлган юзга яқин лавҳаларда вилоятнинг бой тарихи ниҳоятда қизиқарли ва ишончли ҳикоя қилинган.

Китоб вилоят тарихини ўрганишнинг ўзига хос солномаси ҳам ҳисобланади. Унда ўтмиш меросини тадқиқ этишга ўз ҳаётларини бағишлаган кўплаб олимлар, тадқиқотчилар ҳақида маълумотлар берилди, фаолиятларининг ёрқин қирралари юзасидан таъсирчан ҳикоялар келтирилади. Асарни чинакам бадий ҳазина бўлишини таъминлаган омилардан яна бири – унда маҳаллий мўйқалам усталари Мухаммад Фозилӣ ва Мурод Фозил ҳикояда хос турли жанрдаги ранг-таъсир асарлардан фойдаланилгани бўлган. Шунингдек, китобда воҳадаги маърифий ҳаётни тўлароқ тасаввур қилишга кўмаклашадиган кўплаб рангли фотосуратлар ҳам илова қилинган. Уларнинг кўпларида қазилма ишларида топилган осориётқалар акс этган.

Умуман, юртининг бир фидойиси сифатида Зарифа Эшмирзаева муносиб маънавий ҳазина яратган. У келажак авлодга Ватан тарихини ўрганишда жуда асқатади. Китоб яқин дўстларга арзили совға ҳам бўла олади. ҲАКИМ САТТОРИЙ

АСРЛАРГА ТУТАШГАН ҚИРК ЙИЛ

Китобда Тошкент вилоятидаги зиёратгоҳлар ва қадамжолар ҳақида мухтасар маълумотлар берилди. Битиклар ўзга манбалардан иқтибос қилинган ёки ўзлаштирилган эмас, балки муаллифнинг айнан кўрганлари, ўрганганлари ва экспедициялар давомида кашф қилинганлари асосида ёзилган. "Бағишлов" билан бошланган китоб ўзининг яратилишига туртки берган омилар, муқаддас жойларни тадқиқ қилишнинг зарурати ва бу борада тўплаган халқаро тажрибалар, бундай юмушларнинг фидойилари ҳақида илмий-ижодий зиёлиларнинг дил изхорлари билан давом этади. Албатта, муаллифлар мулоҳазаларини З. Эшмирзаеванинг саъй-ҳаракатларининг аҳамиятини таъкидлаш замирида баён этадилар. Кўз олдимизда мозий билан тиллашиб, она тупроққа ўз меҳри, садоқатини изхор қилаётган ватандошимиз тимсоли гавдалана бошлади:

Кўнелим, кечир, сени ортиқ ардоқламадим, Муқаддас тупроққа аталди ишқим. Севганимдек тошини, кумини севолмадим, Унда чечак бўлиб очилди завқим.

Шундан сўнг вилоятнинг туманлари ҳудудларида макон топган табиат тилсимотлари, флора ва фаунаси, энг асосийси, кўҳна сирларни бағрига босиб, тупроққа чуқур ботган тарихий ёдгорликлар, уларнинг "тарихимаи ҳоли", инсоният тамаддунидаги ўрни юзасидан чуқур илмий мушоҳада ва адабий чечанлик билан ёзилган лавҳаларга навбат келади. Бу лавҳаларнинг ҳар бири ўқиган кишини олис ўтмишга бошлаб кетади, мозий асрорлари билан ошно қилади ва қалбнингизда шу тупроқдан фахрланиш, уни севиш, ҳурмат қилиш туйғуларини жўштиради. Баъзан миллий ғурурининг мудроқлиги ҳақида нолиб қоламиз. Ана шундай мутолаалар айна шу иллатга даво бўлади-да. Тарих ҳақидаги китобларни кўп ва хўп ўқимоқ керак, улар кўплаб эртаклардан минг марта афзал. Бизнинг юртимизда тарихни билмай, уни севиш мумкин эмас.

Гапнинг сираси, бундайроқ даражадаги зиёлилар ҳам Тошкент вилоятидаги тарихий маканлар юзасидан етарлича маълумотларга эга, деб бўлмади. Ҳолбуки, осмонўпар



Тянь-Шаннинг қирларига туташ Чотқол-Қурама тоғ тизмалари бағридаги унумдор ерлар ибтидоий даврларданок бой деҳқончилик замини бўлган. Шунга кўра, шаҳар маданияти ҳам анча олдин шакланган. Х асрдаёқ Чоч воҳасида 50 та шаҳар бўлганини академик Ю. Буряков қайд этади. Қолаверса, Қўшбулоқда олтинни, Лашқарқда қумушни, Унғурликда ферузани антик даврдаёқ қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, бу заминга улуг авлиё-ю алломалар, буюк олим ва уламолар қадим ранжида қилганлар, яшаганлар, ҳаётлари давомида ўчмас ишларни



Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Umrat MIRZAOULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Salom SAMADOV
Ozoda PARPIBOYEVA
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Ra'no TURDIBOYEVA
Sergey MUTIN
Zarifa ERALIYEVA
Azamat KAMOLOV
Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (71) 233-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10
Mas'ul kotib: (71) 233-90-82
Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10
e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA
Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 23.00.
Bosishga topshirildi - 20.30
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-135.
4 053 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.